

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида 2023 йил январ-июнь ойларида маҳаллабай аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар

Камбағалликни қисқартиришнинг энг асосий механизми, бу – аҳолини даромадли иш билан таъминлаш ҳисобланади.

1. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик органи орқали **190,5** минг фуқаролар доимий иш ўринларига **ишга жойлаштирилди**, **74,7** минг фуқаролар **касб-ҳунар**га ўқитишга, **67,6** минг фуқаролар **жамоат ишларига** жалб этилди, **30,6** минг фуқаролар бандлигини таъминлаш учун **137,5** млрд.сўм **субсидия** маблағлари ажратилди.

2. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида **13** трлн. сўм **кредит** ажратиш белгиланиб, ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида январь-июнь ойларида **248,1** минг фуқароларга **5,2** трлн.сўм (**40,0 %**) **кредит** маблағлари ажратилди.

3. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида **417,6** минг аҳолига **96,7** минг гектар **ер майдони** ажратиш белгиланиб, **80,7** минг (**83,5 %**) гектар экин ерлари электрон савдо платформаси орқали **223,9** минг (**53,6 %**) аҳолига ижара асосида ажратилди.

4. Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчилари кўмагида қиймати **9 732,0** млрд.сўм бўлган **29 464** та **микролойиҳалар** амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган даврда **2 076,0** млрд.сўмлик (**21,3 %**) **9 834** та (**33,4 %**) **лойиҳаларни** амалга ошириш орқали **36 002** та (**26,8 %**) **янги иш ўринлари** ташкил этилди.

#### Ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича кўрсатилган ХИЗМАТЛАР

